ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СУРГУН ҚИЛИНГАН ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ
(1930-1937 йиллар)

Б.М.Расулов

Мақолада XX асрнинг 30-йилларида Совет ҳокимияти коллективлаштиришга қарши чиққан ёки унга хайрихоҳ бўлмаган деҳқонларга нисбатан қўллаган оммавий сиёсий қатағон шакли – "қулоқлар сургуни" ва сургундагиларнинг ҳуқуқий мақоми ёритилган.

***Калит сўзлар**: совет ҳокимияти, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, деҳқон, "қулоқлар сургуни", махсус посёлка, меҳнат кўчкиндилари, ОГПУ, комендатура.*

В статье освещена, распространенная в 30-е годы XX века форма массовых репрессий - «кулацкая ссылка», примененная по отношению к крестьянам, выступавшим против коллективизации, а также рассмотрен юридический статус спецпоселенцев.

***Ключевыеслова:** советская власть, коллективизация, раскулачивание, дехканин, «кулацкая ссылка», спецпоселение, трудпоселенец, ОГПУ, комендатура.*

The article is devoted to the history of the repressive policy of the Soviet authorities in the villages of Uzbekistan in the 30s of the 20th century. It is shown that the most massive repressions used against peasants who opposed the collective farm system, or did not express their sympathy for it.The legal status of the exiled were also treated in the article.

K***eywords:** Soviet power, collectivization, exile, peasants, "kulak link", special settlements, labor settlers, OGPU, commandant's office.*

1930 йилнинг бошидаёқ Совет ҳокимияти коллективлаштириш сиёсатига қарши чиққан ёки унга хайрихоҳлик билдирмаган бадавлат деҳқонларни оилавий сургун қилиш орқали ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдан четлатиш ҳақида стратегик қарорга келди. Қулоқлаштириш ва у билан боғлиқ "қулоқлар сургуни" қатағоннинг алоҳида шакли сифатида сиёсий амалиётнинг энг долзарб масаласига айланди. "Қулоқлар сургуни"дагилар маиший даражада ҳам, расмий ҳужжатларда ҳам "меҳнат кўчкиндилари" ва "махсус кўчкиндилар" деб юритилди [1.18]**.** Қулоқ қилинган деҳқон оилаларининг сургун ўташ жойи совет терминологияси бўйича "қулоқлар посёлкаси", "меҳнат посёлкаси" ва "махсус посёлкалар" деб номланди.

ОГПУ Ўрта Осиё мухтор ваколатхонаси маълумотларида Ўзбекистон ҳудудидаги биринчи "қулоқ посёлкаси" 1930 йил 15 мартда Бухоро округи Шофиркон районидаги Жилвон қишлоғида ташкил қилингани қайд этилган [11.291]. Сўнг яна учтаси: Ғиждувон райони Обод қишлоғида, Бауман райони Кўлойдин қишлоғида ва Чуст-Поп райони Булоқбоши қишлоғида ташкил бўлди [11.312-313]. Улар ЎзССР МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 20 июндаги "ЎзССРдаги бой ва қулоқ элементлар учун посёлкалар ҳақидаги Низом"га [6.273] асосан фаолият олиб борган. Посёлкалар 20-25 хўжаликка мўлжалланиб, қўшни қишлоқлардан имкон қадар йироқда бўлиши назарда тутилган. Жойни Округ ижроқўмлари белгилаган. Посёлкаларга нафақат ўз райони, балки Ўзбекистоннинг бошқа округларида тугатилган бой-қулоқ хўжаликлар оилалари ҳам мажбурий жойлаштирилган. "Қулоқ посёлкалари"ни бошқариш тартиби белгиланган бўлса-да, сургун қилинганларнинг ҳуқуқий мақомига ойдинлик киритилмаган. Махсус кўчкиндиларни жойлаштириш ва бошқариш маҳаллий ижроқўмлар томонидан амалга оширилгани боис, улар етарли даражада озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминланмаган. Яшаш шароити ўта оғирлиги учун махсус посёлкалардан қочиб кетувчилар сони жуда юқори бўлган. ОГПУ ва маҳаллий ҳокимият органлари қочоқларни ушлаш, қидириб топиш бўйича чоралар кўрган, сургундагиларнинг сиёсий кайфиятини билиб туриш учун хуфиялар ёллаган. ОГПУ Ўрта Осиё мухтор ваколатхонаси бошлиғи муовини Каруцкий ва информация бўлими бошлиғи Круковскийнинг 1930 йил 9 декабрдаги маълумотига кўра, Шофиркон районида сургун қилинганлардан 4 киши агентура ҳизматига ёлланган [9.13], аммо улар деярли самара бермаган.

1930 йил октябрида В.П.Антонов-Саратовский бошлиқ комиссия "Махсус посёлкалардаги комендантлик бошқаруви тўғрисида" қонун лойиҳасини ишлаб чиқди, аммо у НКВДдаги ўзгаришлар ту-

файли қабул қилинмади [5.18]. 1931 йил 4 февралда ОГПУнинг “Махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ташкилий шакллари тўғрисидаги 4-сон маълумотнома”си қабул қилинди [5.509]. Унга кўра, махсус кўчирилганлар ҳуқуқий жиҳатдан сургун қилинганлар билан тенглаштирилиб, барча фуқаролик ҳуқуқларидан, жумладан, шахсий эҳтиёжни қондиришга етарли тор доирадаги буюмлардан ташқари ҳар қандай мулкка эгаликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, табиатан тадбиркор ва ишбилармон меҳнат кўчкиндиларининг хусусий мулкчиликка ҳар қандай интилишини сўндириш мақсадида уларнинг маиший турмуши максимал даражада умумийлаштирилди. Овқатланиш умумий ошхоналарда ташкил этилиб, белгиланган меъёрда умумий қозондан тарқатилди. Умумий ҳаммом, кир ювиш хоналари, клуб, тиббиёт пункти ва касалхона фаолият кўрсатиши белгиланди [5.510].

Махсус посёлка ички тартиб-қоидаларини бузганларни маъмурият интизомий жавобгарликка, жиноят содир этганлар умумий судлар, сиёсий жиноятлар, қочиш, муғомбирлик, ишга чиқмаслик, бўйсунмасликка чақириқ кабилар учун ОГПУ йўли билан жавобгарликка тортиш белгиланди [5.511].

1931 йил 1 июлдан махсус посёлкаларни маъмурий, ташкилий ва хўжалик жиҳатдан бошқариш тўла ОГПУга ўтди [5.304]. Марказий Ижроия Қўмитанинг 1931 йил 3 июлдаги “Сургун қилинган қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида”ги қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, колхоз ва советларга қарши чиқишлар (ўт қўйиш, бандитизм ва бошқалар)да иштироки учун қишлоқ шўроси ёки маҳаллий ҳокимият органлари қарори билан яшаш жойидан сургун қилинганлар ўзларини виждонли ва меҳнаткаш эканлигини кўрсатсалар, 5 йиллик муддатни ўтагандан сўнг фуқаролик ҳуқуқларининг тикланиши ва сайлов ҳуқуқига эга бўлиши белгиланди [5.320].

Махсус кўчкиндилар ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи меъёрга айланган мазкур қарорнинг қабул қилиниши бежиз эмасди. Чунки Совет қонунчилигида сургун жиноий жазо сифатида 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга суд ва суд ваколатига эга бўлган орган қарори билан амалга оширилган. Маъмурий сургун жазо тури эса совет қонунчилигида белгиланмаган. Шундай бўлса-да, маъмурий органлар томонидан ноқонуний тарзда амалиётга татбиқ этилган.

1931 йил 10 августда ВКП(б) МК Сиёсий бюроси ОГПУ таркибида ўзгариш қилишга қарор қилди. ОГПУнинг қулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича қатағон сиёсатини ишлаб чиқишда фаол қатнашган ОГПУ махфий-тезкор бошқармаси (СОУ) бошлиғи Е.Г.Евдокимов ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор ваколатхонасига ўтказилди [12.198]. Воқеалар ривожи Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда сиёсий қатағоннинг кучайишида Е.Г.Евдокимов асосий сиймолардан бири бўлганини кўрсатади. Е.Евдокимов “қулоқлар сургуни”нинг асосий “ижодкорларидан” бўлиб, ВКП(б) МК ва ОГПУ ходимларига ўз фикрини ўтказа олган.

ОГПУ ГУЛАГининг 1931 йил 25 октябрдаги “Махсус кўчкиндилар жойлашган районларда посёлка маъмуриятининг функциялари Вақтинча Низом”ида махсус кўчкиндилар ва уларнинг оила аъзолари ўрнатилган тартиб-қоидаларга тўла риоя қилиб, топширилган вазифаларга виждонан муносабатда бўлган тақдирда 5 йил муддат ўтиши билан барча фуқаролик ҳуқуқлари тикланиши; меҳнатга ҳақ тўлашда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари таъминотида эркин ишчилар билан тенглаштирилиши (бунда иш ҳақидан 15% маъмурий бошқарув учун ушлаб қолинган) белгилаб қўйилди. Энг муҳим ўзгариш махсус кўчкиндилар ва уларнинг оила аъзолари ўз ҳисобидан турар-жой ва хизмат биноларини қуриш, чорва моллари, инвентарлар ва турли эҳтиёж буюмларини сотиб олиш ҳуқуқи тикланди [3.147-149].

Совет ҳокимияти махсус посёлкалар ва улардан ташқаридаги қулоқ фарзандлари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. СССР МИҚ Президиумининг 1933 йил 17 мартдаги “Қулоқлар фарзандларининг сайлов ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида”ги қарори билан “сургун қилинган қулоқларнинг фарзандлари сургун жойида ёки ундан ташқарида бўлишидан қатъи назар вояга етганларидан сўнг, агарда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланаётган ва виждонан ишлаётган бўлса, яшаш жойларидаги район ижроия қўмиталари томонидан сайлов ҳуқуқига тикланади”, – деган қўшимча киритилди [5.89]. Бироқ уни ҳаётга татбиқ этишда ОГПУнинг аниқ бир позицияни танлаши қийин кечди. Хусусан, ОГПУнинг махфий-сиёсий бўлими бошлиғи Молчанов ва 2-бўлим бошлиғи Коган 1933 йил 20 апрелда ОГПУнинг барча мухтор ваколатхоналарига йўллаган телеграммада қулоқлар билан алоқасини узмаган ва аксилинқилобий фаолият олиб бораётганларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тикламаслик чораларини кўриш вазифаси топширилди. Унда хуфиялар танлашда ёшлардан фойдаланиш ва аксилинқилобий фаолларни зарарсизлантиришда қулоқ ёшларнинг хулқ-атвори билан ҳақиқатда ҳуқуқи тикланишга лойиқ бўлган қисмига эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилди [5.562]. Бу билан Совет давлати олий ҳокимият органининг қонун даражасидаги қарори ОГПУнинг ўрта даражадаги мансабдорлари тушунтиришлари орқали деярли йўққа чиқарилди ёки қисмангина бажарилишига шароит яратилди.

1933 йилда Совет Иттифоқида қулоқ қилинганларни сургун қилиш асосан тугалланиб, махсус посёлкаларда сургунда бўлган собиқ қулоқлар сони 1.317.000 кишини ташкил этди [6.76].

СССР МИК Президиумининг 1934 йил 27 майда №579-2 сонли «Сургун қилинган собиқ «қулоқ»ларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарорига асосан, ўлка ва вилоят ижроия қўмиталарига, ОГПУ тақдимномасига мувофиқ 5 йиллик муддатни ўтаб бўлган махсус кўчкиндиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш ваколати берилди. ОГПУ-НКВДнинг 1934 йил 9 июндаги №43 “Сургун қилинган собиқ қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида”ги Циркулярида фуқаролик ҳуқуқи тикланиши назарда тутилаётган махсус кўчкиндилар рўйхатини тузиш махсус посёлкалар комендантлари ва улар ишлаётган корхона маъмурияти зиммасига юклатилди. Рўйхатда ҳуқуқи тикланаётган шахс ҳақида тўла маълумот, тавсифнома ва меҳнат фаолияти олиб бораётган ташкилот маъмуриятининг тақризи берилиши талаб қилинди [5.569]. Қарор ва циркулярга асосан, Ўзбекистон ССР меҳнат посёлкаларидаги кўчкиндиларнинг ҳам фуқаролик ҳуқуқлари тикланган. Масалан, ЎзССР НКВД меҳнат-тузатув лагерлари ва меҳнат посёлкалари бўлими ЎзССР Советлари МИҚга “Булунғур” совхози №7 меҳнат посёлкасидаги меҳнат кўчкиндиси Султонов Қиличнинг фуқаролик ҳуқуқини тиклашни сўраб хат йўллаган. Хатга илова қилинган рўйхатда Қ.Султонов 38 ёшда экани, Янги Бухоро райони Катта Арғун қишлоқ шўроси, Сорғун қишлоғидан эканлиги қайд қилинган. Қ.Султонов қишлоқ хўжалигида турли вазифаларда ишлаб, меҳнат нормаларини ошириб бажаргани ва маънавий жиҳатдан ўзини наъмунали тутгани учун 50 сўм (рубль) миқдорида мукофотланган. Тақдимномада Қ.Султоновнинг меҳнат посёлкасида бўлиш даврида аксилшўровий чиқишларда қатнашмаганлиги алоҳида таъкидланган. ЎзССР МИҚ йиғилишида Қ.Султоновнинг фуқаролик ва сайлов ҳуқуқларини тиклаш ҳақида қарор чиқарилган. ОГПУнинг «Хазарбоғ», «Норин», «Далварзин» меҳнат посёлкаларидаги комендатураларининг шунга ўхшаган тақдимномалари ҳам аксарият ҳолларда ижобий қондирилган [13.239-240]. Аммо фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тикланган бўлишига қарамай, СССР МИК Президиумининг 1935 йил 25 январдаги “Сургун қилинган қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида”ги қарори билан яшаб турган посёлкани ташлаб кетиш ҳуқуқи бекор қилинди. 1931 йил 3 июль ва 1934 йил 27 майдаги қарорларга “*Сургундаги қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тикланиши уларга посёлкадан кетиш ҳуқуқини бермайди*” деган қўшимча киритилди [5.661]. Бу билан ҳуқуқи тикланганларнинг комендатурадан кетишини ман қилувчи меъёр мустаҳкамлаб қўйилди. НКВДнинг 1935 йил 3 февралдаги циркуляри билан “фуқаролик ҳуқуқи тикланган сургундаги қулоқларга паспортлар фақат ва фақат меҳнат посёлкаси ўрнашган жой бўйича” берилган. Паспортга ҳужжат айнан қайси комендатура томонидан берилгани тўғрисида белги қўйилган. Шундай белгиси бўлган паспорт эгаси посёлкадан бошқа ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган [8.114].

Махсус посёлкалардаги меҳнат кўчкиндиларидан республика эҳтиёжи учун ишчи кучи сифатида фойдаланишга республика ҳукуматининг ваколати бўлмаган. Буни биз ЎзССР ХКСнинг 1935 йил 29 февралдаги “Ўзбекистон ССРнинг 1935 йилда ишчи кучига бўлган талаби ва уни қондириш тадбирлари ҳақида”ги 301-қарорининг бекор қилинишида кўришимиз мумкин. “Правда Востока”нинг 1935 йил 6 февраль сонида эълон қилинган мазкур қарорда САЗЛАГдаги “катта миқдордаги фойдаланилмаётган ишчи кучи”ни тасарруф этиш белгиланган [9.112]. ГУЛАГ бошлиғи Берман 23 апрелда газетанинг шу сонини СССР НКВД комиссари Г.Ягодага юбориб, қарор матни ва уни эълон қилиш САЗЛАГ билан келишилмаганини маълум қилган. Ўз навбатида Г.Ягода 28 апрелда газетани СССР ХКС раиси В.Молотовга юборар экан, “шундай қарорни чиқариш ва уни эълон қилиш фактига” эътибор қаратиш ҳамда ЎзССР ХКСга кўрсатма беришни сўраган [9.111]. В.Молотов 29 апрелда Ф.Хўжаевга телеграмма юбориб, қарорнинг чиқарилиши ва газетада эълон қилинишини “хато ва сиёсий уқувсизлик” деб баҳолаган ҳамда зудлик билан уни бекор қилиб, ижроси ҳақида хабар беришни сўраган [9.115]. Ф.Хўжаев 1 июлда В.Молотовга юборган телеграммада ЎзССР ХКСнинг қарори бекор қилингани маълум қилинган [9.114].

1936 йил кузига келиб СССР ҳудудидаги 1.845 махсус посёлкада 979017 киши (278700 оила) бўлган. Улардан 77614 тасининг сайлов ҳуқуқи тикланган. Махсус посёлкаларда жами 1.056.663 киши бўлиб [2.143], шундан Ўзбекистон ССРдаги махсус посёлкаларда 14190 кишидан иборат 3652 оила ва унга қўшимча ҳуқуқи тикланган 568 киши яшаган [11.236].

1936 йил охири – 1937 йил бошлари махсус кўчкиндилар учун ҳис-ҳаяжонга тўла давр бўлди. Сабаби, янги конституция қабул қилиниши билан уларда тез кунларда ўз юртларига кетиш умиди туғилди. 1936 йил 5 декабрдаги СССР Конституциясининг 135-моддасида “18 ёшга тўлган барча СССР гражданлари ирқий ва миллий мансублигидан, жинси, диний эътиқоди, билим цензи, ўтроқ-

лиги, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва олдинги фаолиятидан қатъий назар депутатларни сайлаш ҳуқуқига эга бўлади", - деган конституциявий меъёрга асосан барча сургундагиларнинг сайлов ва фуқаролик ҳуқуқлари тикланган эди [4].

1936 йил охири – 1937 йил бошларида махсус посёлкалардан якка тартибда озод бўлганларнинг айримлари аввал яшаган жойларига қайтиб келди. Шунингдек, расман ҳуқуқи тикланиб, амалда эрксизлигича қолган махсус кўчкиндилар орасида посёлкалардан қочиб кетувчилар сони ҳам ортиб борди. НКВД маълумоти бўйича, Ўзбекистон ССР ҳудудидаги махсус посёлкалардан қочиб кетганлар сони 1936 йилнинг ўзида 844 кишини ташкил этган [11.236]. Собиқ қулоқларнинг илгари яшаган жойларига қайтиши қишлоқларда сиёсий вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Чунки улар қулоқлаштирилганда тортиб олинган уй-жой ва мол-мулкларини қайтариб беришларини талаб қила бошладилар. Бу вазиятда маҳаллий хокимият органлари ва НКВД идоралари қандай йўл тутишни билмай қолди: "Собиқ қулоқларга нисбатан янги Конституциянинг фуқаролик ҳуқуқлари белгиланган моддаларига асосан муносабатда бўлиш керакми ёки СССР НКВДсининг бу масаладаги кўрсатмалари ўз кучида қоладими?" мазмунидаги сўровлар сони ортди. Кўп ўтмай маъмурий қатағон органлари учун фуқаролик ҳуқуқлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги яна бир карра тасдиғини топди: 1937 йил 14 апрелида СССР Бош Прокурори А.Я.Вишинскийнинг СССР ХКСга йўллаган "қулоқлаштириш тартибида махсус посёлкаларга сургун қилинганлар СССР МИҚнинг 1935 йил 25 январдаги қарори билан илгариги яшаш жойларига қайтиб бориш ҳуқуқига эга эмас" деган тушунтириш берилди [1.65].

Хуллас, коллективлаштириш жараёнида қулоқ қилинган деҳқонларнинг оилавий сургуни икки ҳолат бўйича ғайриоддий бўлди. Биринчидан, қулоқ қилинган деҳқон билан бирга бегуноҳ бўлишига қарамай бутун оиласи – бола-чақасидан тортиб, нуроний отасигача қўшиб сургун қилинди. Иккинчидан, сургунда бўлиш муддати аниқ белгилаб қўйилмади. Сургун қилинганларнинг фожиаси шуки, совет жиноят қонунчилигида маъмурий сургун жазо чораси йўқ бўлишига қарамай, амалда мажбурий меҳнат билан ўтадиган муддатсиз маъмурий сургун мавжуд бўлди. Сургундаги деҳқонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ОГПУ-НКВДнинг директива, циркуляр ва тушунтиришлари орқали ўзбошимчалик билан чеклаб қўйилди. Айниқса, бу ҳолат 1936 йилдаги СССР Конституциясидаги фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ конституциявий тамойилларни ўз билганларича талқин қилишларида яққол намоён бўлди. Оқибатда "қулоқлар сургуни" СССР ИИМнинг махсус кўчкиндилар бўйича №4 махсус бўлими ва унинг жойлардаги органлари тугатилиб, бутун ваколат маҳаллий ижроия қўмиталарга ўтказилгунга қадар қарийб ўттиз йил давом этди.

Адабиётлар:

1. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР, 1930-1960. - М.: Наука, 2003.
2. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. М.: Собрание, 2004.
3. История сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – М.: РОССПЭН, 2004.
4. Конституция (Основной закон) СССР 1936 г. Электрон ресурс. http://cccp.narod.ru/work/book/konst_1936.html
5. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940: В 2 кн. Кн.2. / Отв.ред.Покровский, В.П.Данилов, С.А.Красильников, Л.Виола. – М.:РОСПЭН, 2006.
6. Россия Федерацияси Давлат Архиви (РФ ДА). Р-9474 - фонд, 1- рўйхат, 56-иш.
7. РФ. ДА Р-9479- фонд, 1-рўйхат, 949-иш.
8. РФ. ДА. Р-9479 - фонд, 1-рўйхат, 156-иш.
9. РФ. ФҲХ МА. 2-фонд, 8-рўйхат, 811-иш.
10. РФ. ФҲХ МА. 3-фонд. 2-рўйхат, 449-иш.
11. Трагедия среднеазиатского кишлака:коллективизация, раскулачивание,ссылка. 1929-1955 гг; Документы и материалы.Т.I-III / Сост: Р.Т. Шамсутдинов, Б.М.Расулов/. Т.2. -Т.: Шарк, 2006.
12. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида).-Т.: Шарқ, 2003.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 10-рўйхат, 1240-иш.

Андижон давлат университети,
2016 йил 27 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)